



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 4 сентябрь, № 182 (7140)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Қирғизистоннинг Чўлпонота шахридаги «Рух ўрда» маданият марказида 3 сентябрь куни Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммити бўлиб ўтди.

Саммитда ушбу тузилмага аъзо мамлакатлар — Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон, Қирғизистон Республикаси Президенти Сооронбай Жээнбеков, Қозғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Венгрия Республикаси Бош вазири Виктор Орбан анжуманда фахрий меҳмон сифатида қатнашди.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши 2009 йилда ташкил этилган. Ташкилот котибияти Истанбул шаҳрида жойлашган. Ўзбекистон мазкур кенгаш анжуманида биринчи марта иштирок этди.

Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Аввало, Қирғизистон Республикаси Президенти, хурматли Сооронбай Шарипович Жээнбековга самимий меҳмондустлик ва ушбу учрашув юқори даражада ташкил этилгани учун миннатдорлик билдиришга рухсат бергайсиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Бугун, биз қардош Қирғизистон заминидан, асрлар давомида халқларимизни бир-бирига боғлаб келадиган дўстлик, муштарак маънавий қадриятлар ва ҳамкорлик ришталари мустақам эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши кўп томонлама муносабатларимизни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Хозирги вақтда Кенгашнинг сиёсий кун тартибидан бирор-бир муаммо ёки келишмовчилик мавжуд эмаслигини алоҳида қайд этиш лозим, деди Президентимиз.

Бизнинг мамлакатларимиз долзарб халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро мос ёки яқин қараш ва ёндашувларга амал қилиб келмоқда.

Айни вақтда халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берадиган иқтисодий, инвестиция, инновация, транспорт ва коммуникация, туризм, илм-фан, таълим ва маданият каби устувор соҳаларда ўзаро ҳамкорлик фаол ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқаро вазиятга тўхталар экан, бугунги кунда халқаро майдондаги бекарор вазият глобал тараққийот жараёнида сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатганини таъкидлади.

Дунёдаги асосий марказлар ўртасидаги муносабатларда ўзаро стратегик ишонч йўқолиб, оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган вазиятлар вужудга келмоқда.

Афғонистон муаммосининг ханузгача давом этаётгани, шунингдек, Яқин Шарқда харбий-сиёсий кескинлик сақланиб қолмаётгани минтақамиздаги вазиятга бевоқиф таъсир ўтказмоқда.

Минтақда тинчлик ва барқарор тараққийот таъминлашда глобал ва минтақавий таҳдидлар, айниқса, терроризм ва экстремизмга қарши фаол курашиш зарур.

Афғонистон муаммосининг ханузгача давом этаётгани, шунингдек, Яқин Шарқда харбий-сиёсий кескинлик сақланиб қолмаётгани минтақамиздаги вазиятга бевоқиф таъсир ўтказмоқда.

рурати тобора ортиб бормоқда. Айни вақтда биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз натижасида кейинги йилларда Марказий Осиёда муҳим ижобий ўзгаришлар юз бермоқда, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан Марказий Осиё бўйича қабул қилинган резолюция, ҳеч шубҳасиз, минтақа халқлари ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо мамлакатлар билан ўзаро савдо ҳажми охириги бир йилда 40 фоиздан зиёд ошгани бугунги учрашувимизда алоҳида қайд этишни истардим, деди давлатимиз раҳбари. Аммо бу кўрсаткичлар ва натижалар ҳали бизнинг салоҳиятимиз даражасида эмас, албатта. Биз бундан анча юқори марраларга эришишни мўлжал қилганмиз ва бунинг учун барчамизда кенг имкониятлар мавжуд.

Биз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида ўзаро манфаатли шериклик учун кенг имкониятлар мавжудлигини кўриб турибмиз.

Шу маънода, бизнинг нукта назаримизга кўра, ҳамкорлигимизнинг гоят муҳим бўлган қўйидаги йўналишларига тўхталиб ўтмоқчиман, деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчидан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш зарур.

Мамлакатларимиздаги етакчи сонаот корхоналари, инвестиция компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлик тузилмалари ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш лозим.

Кўшма бизнес лойиҳаларини муҳокама қилиш ва амалга ошириш мақсадида Туркий тилли давлатлар ишбилармонлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини Тошкентда ўтказишни таклиф этамиз.

Ушбу тадбирга мамлакатларимиз минтақаларининг вакиллари ҳам кенг жалб қилишни муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Шу билан бирга, давлатларимиз ўртасида экспорт-импорт ҳажмларини кескин ошириш учун, энг қўлай шароитлар яратиш ва мавжуд бўлган тўсиқларни бар-тараф этиш мақсадида, Кенгаш доирасида Савдони ривожлантириш тўғрисида кўп томонлама Битим қабул қилишни таклиф этамиз.

Иккинчидан, бизнинг биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз транспорт йўналишларининг ўзаро интеграциялашган тармоғини яратишга қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу йўналишда кўп томонлама Битим қабул қилишни таклиф этамиз.

Мамлакатларимизнинг дунё ва минтақадagi асосий бозорларга чиқишини таъминлайди.

мухим стратегик лойиҳалар амалга оширилгани алоҳида таъкидлаш лозим, деди Ўзбекистон Президенти.

Озарбайжонда янги Алят денгиз савдо порти очилди, Қозғистонда «Дўстлик» ва «Хорғос» транспорт-логистика комплекслари куриб битказилди. Яқинда Октов шаҳрида Қўриқ порти ишга туширилди. Ўзбекистонни ушбу порт билан қисқа йўл орқали боғлаш имконини берадиган Ақжигит — Бейнов йўли кенгайтирилмоқда.

Туркманистонда минтақадagi йирик халқаро аэропорт, Амударё орқали ўтадиган автомобиль ва темир йўл кўприклари, Туркманбоши шаҳрида замонавий денгиз порти ишга туширилди, Туркиянинг Истанбул шаҳрида йилга 150 миллион йўловчи хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган дунёдаги энг катта аэропортлардан бири курилмоқда, Босфор бўғози остидан ўтган «Мармарай» ва «Евросий» автомобиль ҳамда темир йўл туннеллари барпо этилди.

Туркиянинг Мерсин портига энг яқин маршрут очиб берган Боку — Тбилиси — Карс темир йўлининг фойдаланишга топширилиши, шунингдек, жорий йилда ишга тушган Андижон — Уш — Ирқистон — Қашқар автомобиль коридорининг ривожлантирилиши катта имкониятлар яратди.

Язати Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлининг курилиши ҳам бошланади, деб умид қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон учун ҳам муҳим бўлган мана шундай стратегик транспорт-коммуникация лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишга ишонч билдиришимиз мумкин, деди давлатимиз раҳбари.

Учинчидан, бизнинг назаримизда, мамлакатларимизни инновацион асосда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда биз ахборот-коммуникация уюқлари, илгор технологиялар ҳаётга шиддат билан кириб келадигани ва барча соҳаларда кенг қўлланилаётганини кўриб турибмиз.

Ҳар қандай давлатнинг узоқ ўзқилибда ҳам рақобатбардош бўлиши ва барқарор тараққийотга эришиши айна шу омилларга боғлиқ.

Шу муносабат билан биз ушбу йўналишдаги дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида, инновацион тараққийот учун масъул бўлган идоралар, илмий-тадқиқот марказлари ва венчур компанияларимиз ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтиришни таклиф этамиз.

Тўртинчидан, туризмни ривожлантириш бўйича улкан имкониятлар мавжуд.

Биз Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг «Туркий халқош — Замонавий Ипак йўли» деб номланган кўшма саяёҳлик лойиҳасини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистоннинг қадимий Хива шаҳрини 2020 йилда Туркий дунёнинг маданий пойтахти, деб эълон қилиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.

Давлатимиз раҳбари бу борада амалга оширилган ишларга ёрқин мисоллар сифатида 2018 йилнинг Қозғистонда «Ўзбекистон йили» деб эълон қилинган, Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожкистонда биргаликда ўтказилган Маданият кунлари ва кўшма концертлар, фестиваллар, қўрама-лар ва бошқа кўллаб тадбирларни айтиди. Улар мамлакатларимиз халқлари ўртасида катта қизиқши уйғотмоқда.

Бундай ижобий тажрибани Туркий тилли давлатлар кенгаши доирасида, унинг барча аъзоси иштирокида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз туркий тилли давлатларнинг буюк адиблари, олим ва мутафаккирлари асарларининг янада электрон каталогини яратишни ҳам таклиф этамиз.

Олтинчидан, бизнинг бунёдкорлик руҳидаги дастур ва режаларимиз фақат тинчлик ва барқарорлик шароитида амалга оширилиши мумкинлигини барчамиз яхши англаймиз.

Шунинг учун кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг пойдеворини ташкил этадиган масалалардан бири мамлакатларимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик ва одам савдосига қарши курашиш бўйича ўзаро саяё-ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлмоғи лозим, деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги нотинч замонда ёшларни илм-маърифат асосида тарбиялаш, уларни беғона ва зарарли гоялар таъсиридан ҳимоя қилишда ислом цивилизациясининг ноёб маънавий мероси ва қадриятлари гоят муҳим аҳамият касб этади.

Шу нукта назардан, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» бўйича махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Туркий тилли давлатлар кенгашига аъзо мамлакатлар бизнинг ушбу ташаббусимизни қўллаб-қувватлайдилар, деб ишонман.

Аждодларимиз қолдирган бой меросни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказиш мақсадида биз Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси марказини, ислом динининг эзгулик, адолат ва инсонпарварлик гоялари негизда турли миллат ва халқларни бирлаштиришга интиланган буюк мутафаккир бобомиз Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини, «Жаҳонга қарши — маърифат» деб аталадиган муҳим тамойилимизни амалга оширишда асосий ўрин тутадиган халқаро Ислом академияси каби илмий-маърифий тузилмаларни ташкил этдик.

Биз Туркий тилли давлатлар кенгашига аъзо мамлакатларнинг етакчи олимлари ва мутахассисларини ушбу тузилмалар билан фаол ҳамкорлик ўрнатишга чакрамиз ва бу борада барча амалий ёрдамни кўрсатишга тайёр эканимизни таъкидлаб ўтмоқчиман, деди Президентимиз.

Ўзбекистон бугун, кейинги ўн йил давомида биринчи марта Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг анжуманида иштирок этмоқда.

Таъкидлаш лозимки, деди давлатимиз раҳбари, биз кейинги пайтда ушбу кенгашга аъзо мамлакатлар билан, аввало, минтақадagi яқин қўшниларимиз билан сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техник, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалар бўйича икки томонлама ҳамкорлигимизни янада кучайтирмоқдамиз.

Бу Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида фаол ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш учун янги имкониятлар яратди.

Биз ушбу халқаро тузилманинг келажак истиқболига ва унда Ўзбекистоннинг фаол иштирок этишига катта умид ва ишонч билан қараймиз.

Мазкур кенгаш доирасида давлатларимиз ўртасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдоримиз.

Хозирги босқичда унинг фаолиятида мамлакатимиз учун амалий жиҳатдан қизиқши уйғотадиган йўналишлар бўйича иштароқ этишга тайёр эканимизни билдираман, деди Шавкат Мирзиёев.

Биз Кенгаш доирасида илгари қабул қилинган кўп томонлама битимларга Ўзбекистоннинг қўшилишига доир масалаларни албатта атрофлича кўриб чиқамиз.

Шундан сўнг бизнинг Туркий кенгаш билан ҳамкорлик соҳаларимиз ва йўналишларимиз мантиқий ва табиий мазмун касб этади.

Аминманки, бугунги саммитимиз натижалари давлатларимизнинг самарали ҳамкорлиги учун янги имкониятлар очади, мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққийотига хизмат қилади.

Фурсатдан фойдаланиб, қардош Қирғизистон дийрида куни кеча бошланган Кўчманчи халқларнинг умумжаҳон ўйинлари сермазун ва юксак савияда ўтишини тилайман, деди пировардида Ўзбекистон Республикаси Президенти.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда Ўзбекистон халқига равақ ва фаровонлик, давлатимиз раҳбарига муваффақиятлар тилаб, эзгу истаклар изҳор этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикаси халқини Мустақиллик куни билан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти унга аъзо давлатлар хилмаҳиллиги билан нуфузлидир. «Биз, халқлар» ташкилотимиз Уставида мустақамлаб қўйилган қадриятларни қўллаб-қувватлаш йўлида бирлашсак, фаолиятимиз кучайиб бораверади. Бугунгидек глобал таҳдидлар, шу билан бирга, улкан имкониятлар даврида ушбу эзгу қадриятлар бизни бирлаштириб турадиган боғловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатингиз ушбу миллий байрамни нишонлаётган кунларда Сизни ишонтириб айтаманки, мен Бирлашган Миллатлар Ташкилоти самарадорлигини ошириш ҳамда барча учун тинчлик, барқарор тараққийот ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бораман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Антониу ГУТЕРРИШ, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган: Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қиролиги Қироличаси **Елизавета II**

Испания Қироли **Филипп VI**
Нидерландлар Қироли **Виллем-Александр**

Швеция Қироли **Карл XVI Густав**
Швейцария Президенти **Ален Берсе**

Греция Президенти **Прокопис Павлопулос**
Австралия Генерал-губернатори **Питер Косгроув**

ШХТ Бош котиби **Рашид Алимов**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МИСР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 2018 йил 4-5 сентябрь кунлари Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ Саид Хусайн Халил ас-Сиси расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Бўлажак олий даражадаги учрашувларда Ўзбекистон — Миср ҳамкорлигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини муҳокама қилиш ҳамда халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар якунида давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Миср ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, туризм, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустақамлаш ва кенгайтиришга қаратилган салмоқли ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.

Жаҳон нигоҳидаги нуфузли анжуман

Жорий йилнинг 6 — 10 сентябрь кунлари мамлакатимизда илк бор Халқаро мақом санъати анжумани бўлиб ўтади. Жаҳоннинг 70 дан ортиқ мамлакатларидан иштирокчилар келиши кутилаётган мазкур тадбир юртимиз доврўғини, бетақорор урф-одатларимиз, мумтоз санъатимизни дунёга ёйишда улкан аҳамиятга эга.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан Шаҳрисабзда ҳар



икки йилда бир марта уюштирилган ушбу нуфузли анжуманининг юқори савияда ўтиши учун барча шарт-шароит яратилди.

2

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ҲОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда халқимизнинг тарихий ютуғи бўлмиш истиқлол шукҳи барчамизга мунавварлик бахш этмоқда.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган барча ютуқ ҳамда марралар буюк давлат ва сиёсат арбоби, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Қаримов номи ҳамда фаолияти билан боғлиқ. Улуғ Йўлбошимиз мамлакатимиз мустақиллигини қўлга кiritишдан тортиб, унинг тараққийоти, жаҳонда ўз ўрни ва сўзига эга

давлатга айланиши йўлида юксак фидойилик кўрсатиб меҳнат қилди. Унинг тенгсиз жасорати ва узоқни кўзлаб юритган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон тарихан қисқа даврда изчил ривожланиш йўлини босиб ўтди, мамлакатимизни дунё таниди.

2 сентябрь. Ислом Қаримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуаси. Бу ерга Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар ўзбек халқининг улуг ва ардоқли фарзандини хотирлаш учун жам бўлган.

Махзун мусиқа садолари янграйди.

2

Ўзбек фарзандлари Осиё спорти тарихини қайта ёзишмоқда



Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимиз жами 70 та медални қўлга киритди.

4

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мажмуага таширф буюриб, Биринчи Президентимиз ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Буюк Йўлбошимизнинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Биринчи Президентимиз серкирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдириди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги қарори халқимизнинг ўз буюк фарзандига чексиз ҳурматининг амалий ифодаси бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, буюк давлат ва сиёсат арбобининг номини абадийлаштириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, у киши кўп йиллар фаолият олиб борган Тошкент шаҳридаги Оқсарой қароргоҳи Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасига айлантирилди, мамлакатимиздаги қатор нуфузли муассасалар, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларидаги кўчаларга Биринчи Президентимиз номи берилди. Тошкент, Самарқанд, Қарши шаҳарларида буюк йўлбошимизга ҳайкал ўрнатилди.

Ислам Каримов хотираси ёд этилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудда буюк давлат ва сиёсат арбоби, халқимизнинг ардоқли фарзанди, мустақиллигимиз асосчиси Ислам Каримов хотирасига бағишланган маросимлар ўтказилди.

Ў.А.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Хориж оммавий ахборот воситаларида чоп этилаётган мақола ва репортажларда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жанубий Кореянинг марказий "The Korea Times" газетасида



қутлуг санага бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. "Буюк Ипак йўлининг юрагига жойлашган" деб номланган мақолада юртимизнинг бой маданияти ҳамда шонли тарихи ҳақида сўз юритилди. Асрлар давомида ўзбек замини Шарқ ва Ғарб тамаддуни кесишган нуқта, жадал савдо-сотик маркази ҳамда илм-фан ўчоғи бўлиб келган. Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз сингари шаҳарларда ҳаёт "қайнаган", ўлка аҳолиси ўзининг интеллектуал салоҳияти ва маданияти билан алоҳида ажралиб турган. Жанубий корейлик журналистларнинг эътирофига, республикамиз ҳудудда фақат фанга маълум обидаларнинг миқдори етти мингдан ортиб, "Хали яна қанчадан-қанча тарих жавоҳирлари очилмаган сирлари билан тадқиқотчилару олимларни кутмоқда".

"The Korea Times" газетасида чоп этилган бошқа мақолаларда мамлакатимиз замонавий тараққиётининг турли жиҳатлари, шу



ётгани айтилади. Инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган жараёнлар, муҳбирларнинг фикрича, янги ривожланаётган давлатлар учун ўрнатилиши, шубҳасиз. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси "Стратегик мақсадлар ва тактик вазифаларни қамраб олган доктринал ҳужжат" сифатида эътироф этилган. Ушбу дастур доирасида Ўзбекистон кенг миқёсда ислохотларни амалга оширмоқдаки, уларнинг натижалари фуқаролар ҳаёти яхшиланишида ўз ифодасини топмоқда.

Биргина валюта соҳасини либераллаштириш тўғрисидаги қарорнинг ўзи қанчадан-қанча муаммоларнинг ҳал қилинишига сабаб бўлди, деб эйтилади Япониянинг "Yomiuri Shimbun" газетасида. Бу билан чекланмаган ҳолда, Ўзбекистон халқроқлики институтлари билан ҳамкорликни тиклади, бизнес юритиш йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, сармоявий муҳитни яхшилаш, солиқ юкени ва боғжона тартибини энгиллаштириш бўйича муҳим қадамларни ташлади.

Олиб борилган ислохотлар натижалари қисқа муддатда ўзининг самарадорлигини намоян эътипти. Мамлакатга сармоялар оқими кенгайиб, сайёҳлар сони ортаётганлиги кўрсатди.

hindustan times

Қатор халқроқ рейтингларда республиканинг ўрни бир неча маротаба юксалди. "Энг муҳими, дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистонга муносабати ўзгарди. Республика очик, мулоқотга тайёр, ҳам-

корларни "эшига оладиган, ўз позициясини аниқ-яққол ифодаладиган" мамлакат сифатида ҳурмат қозонди". Ҳиндистонда инглиз тилида тарқатилган "Hindustan Times" газетасида республикамиз Марказий Осиёда кечаётган жараённинг "драйвери" деб аталди. Ҳинд экспертларининг фикрича, "Ўзбек дипломатияси" янги ташки сиёсатда мамлакат экспорт салоҳиятининг юксалиши ва иқтисодий алманишларнинг кенгайишига хизмат қилаётган.

Мақолада Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган ғоя ҳаёда ўз ифодасини топаётганига юқори баҳо берилди. Сўнги йилларда бутун мамлакат бўйлаб ишга туширилган Халқ қабулхоналари фаолияти фуқаролар томонидан илқ кутиб олинётгани қайд этилади.

Россиядаги Тизимли таҳлил ва башоратлаш маркази президенти Ростислав Ишенконинг мулоҳазасига кўра, давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан расмий Тошкент ташки сиёсати туб ўзгаришларга юз тут-

ди. Қўшни давлатлар билан муносабатлар мураккаб ижобий тус олди. "Ўзбекистон ташки сиёсати аниқ-равшан қиёфа касб этмоқда. Ички барқарорлиқни сақлаган ҳолда, республика ташқи майдон-



даги фаолигини кескин оширди". Буюк Британиянинг "The Guardian" газетасида кейинги йилларда Ўзбекистон қишлоқ ва шаҳарлари ниҳоятда гузаллашиб, янгича қиёфа касб этиб бораётгани таъкидланади. Хар бир ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари мамлакат қиёфасини гузаллаштирмоқда.

"Ўзгаришлар миқёсининг нақадар катталигини биргина Тошкент шаҳрида метрополитен тизимини кенгайтириш бўйича олиб борилаётган ишларда кўриш мумкин, — дея ёзилади нашрда. — Бу эса шаҳар аҳолиси ва унинг меҳмонлари учун қўшимча қулайликлар яратиши, шубҳасиз".

Анвар МИРЗАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ТАМАДДУНИ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 3 сентябрь куни мисрлик таниқли олимлар Аҳмад Тарабиқ, Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Риқъ ва Мағида Махлуф муаллифининг қирғиз тарихи ҳамда бой маданий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар тақдими ўтказилди.

Унда мисрлик олимлар, шунингдек, ЎзФА илмий-тадқиқот институтлари вакиллари, академиклар, тадқиқотчилар қатнашди. Аҳмад Тарабиқ Қоҳира университетининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича етақчи мутахассиси сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан яхши хабардор. У мамлакатимизда барқарорлиқни таъминлашга қаратилган сиёсий ислохотлар, иқтисодий, ижтимоий янгилишларни қўллаб-қувватлашга қаратилган илмий маълумотлар билан маълум. Олим ўзининг Урта асрларда ислом таълимоти, маданияти ва илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган алломаларини ҳақиқатда илзанишлари, оммабоп мақола ҳамда рисолалари билан Шарқ жамоатчилигини орасида кенг танилган.

Аҳмад Тарабиқнинг "Ўзбекистон: ислом тамаддуни манбаи" китобида мамлакатимиз тарихи, маданияти, илм-фан ривожига ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур китоб 2017 йили Мисрда араб тилида чоп этилган. Ушбу фундаментал тадқиқот икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда мамлакатимиз тарихи, географик жойлашуви, иқтисодиёти, аҳолиси, тили, араб дунёси билан тарихий алоқалари, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хоразм ва Насав шаҳарлари ҳақида маълумотлар келтирилади. Ислам тамаддуни ривожига ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар тилга олинган иккинчи қисмдан юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Маҳмуд аз-Замашарий каби кўпга алломалар ҳаётига оид маълумотлар ўрин олган.

Мисрлик тарихчи, археолог олим Аҳмад Ражаб Мухаммад Али Риқъ ҳам ўз ҳаётини Шарқ диёри, хусусан, мамлакатимиз номоддий маданий меросини тадқиқ қилишга бағишлаган. Унинг маданий, тарихий мавзуларга бағишланган илгирмага яқин китоблари, қўлга олмаб мақолалари бугунги кунда илмий илзанишлар учун манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда муаллифнинг 2017 йилда нашрдан чиққан "Ёдгорликлар ва Бухоро ислом маданияти" номи икки жилди китобининг тақдими бўлиб ўтди. Мазкур китоб ўн йиллик илзанишларнинг махсули сифатида яратилган.

"Ушбу заминдан етишиб чиққан машҳур қомусий олимлар Шарқ уйғониш даврининг илмий-маданий юксалишида муносиб ҳисса қўшган", дея қайд этади муаллиф китоб муқаддимасида.

Икки бўлимдан иборат асарнинг биринчи қисмида Бухоро маданий ёдгорликлари, диний таъмолий ҳамда мазахаблар ҳақида батафсил ҳикоя қилинса, маданий ёдгорликлардаги ёзувлар, деворнинг тасвирлар ва нақшлар бўйича илзанишлар баёни асосий бўлимдан ўрин олган.

Таниқли олма Мағида Махлуф туркий тилдан таржима қилган "Бобурнома" 20 йиллик меҳнат самараси ўлароқ, араб тилида чоп этилди. Таъкидланганидек, китоб Марказий Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон халқларининг XV-XVI асрга оид тарихий-этнографик, адабий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни жамлаган. Буюк давлат арбоби, шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур фаолияти ҳақида кўпмақола маълумот беради.

Тақдирда китобларнинг Марказий Осиёдан етишиб чиққан қомусий олимларнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини очиб беришдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Улуғбек ШОНАЗАРОВ, Ў.А. мухбири.

ДИЛ СЎЗИ

Ҳар куни қувончли хабарлар ЭШИТЯПМИЗ

Юртимиз ҳаётига оид хушxabарлар кўп. Масалан, Индонезияда бўлиб ўтган Осиё уйинларида спортчиларимизнинг юксак натижа қайд этганини телевизор орқали кўриб, қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди. Қолаверса, Ватанимизнинг барча ҳудудда турли соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар рўй бераётгани ҳақида ҳар куни қувончли хабарлар эшитяпмиз. Ана шундай шукҳули дамларда бир гуруҳ юртодошларимиз қатори мен ҳам Президентимиз Фармонига биноан "Шухрат" медали билан тақдирланганимдан беҳад мамнун бўлдим. Бу эътирофдан юртимизда инсон қадрни нечоғли улуг эканини яна бир бор чуқур ҳис этдим. Мен раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон Бадий академияси тасарруфидида Сирдарё вилояти иختисослаштирилган санъат мактаб-интернати истиқлол йилларида ривож топиб, ҳудуддаги иқтисодий ёшларнинг семвли таълим масканларидан бирига айланди. Унда иқтидорли ўғил-қизлар таълим ва амалий санъат, ҳайкалтарошлик ва дизайн йўналишлари бўйича ўз мақоратларини оширишди.

Бугунги юксак рағбат ёш авлодини шу азиз юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашдек бурчимизни сидқидилдан бажаришга, вазифамизга янада масъулият билан ёндашишга ундайди.

Баҳодир БОБОНАЗАРОВ, Ўзбекистон Бадий академияси Сирдарё вилояти иختисослаштирилган санъат мактаб-интернати директори, «Шухрат» медали соҳиби.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Сенаторлар, депутатлар ва мутасадди раҳбарлар эътибори бу гал пойтахтнинг Учтепа туманида аниқланган муаммоларга қаратилди. Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва халқ депутатлари Учтепа тумани Кенгашининг қўшма мажлисида, аввало, аҳоли бандлиги, туман инфратузилмасини ривожлантириш, унинг сановат салоҳиятини янада юксалтириш жараёнларида давлат ва жамоат органларининг фаоллигини ошириш масалалари атрофида ўрганилди. Сабаблар, ечимлар, тақлиф ва ташаббуслар ўртага ташланди.

Инвестиция маблағлари: РАҚАМЛАР ҚАНЧАЛИК ТЎҒРИ?

Мутахассислар таъкидлаганидек, бугунги кунда 263 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган мазкур ҳудудда ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун имкониятлар жуда катта. 2018-2019 йилларда Учтепа туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига 130 та корхона, шу жумладан, 59 та сановат ва 71 та хизмат кўрсатиш соҳасига оид тармоқ киритилган бўлиб, Дастурнинг умумий қиймати 145 миллиард 838 миллион сўмни ташкил қилади. Натижада 1 минг 114 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Амалда бу рақамлар қанчалик ўз исботини топди? Туман мутасаддилари ахбороти-га кўра, айни пайтда 61 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилиб, 570 дан зиёд янги иш ўринлари ташкил қилинган, 148 миллион сўмлик инвестициялар киритилган.

Иил бошидан буён 6 та корхона томонидан 15,6 миллион долларлик инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилиши кўзланган бўлиб, шундан 8,3 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Хозирги вақтга қадар 4,2 миллион долларлик чет эл инвестицияси ўзлаштирилган. — Давлат рақобат қўмитаси томонидан тумандаги бўш турган ер майдонлари ва фойдаланилмаётган бинолар ҳолати ўрганилганда, 250 та бўш иморат аниқланган бўлса, улардан 35 таси давлат мулки ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир Матмуратов. — Мазкур биноларни ўз балансида ушлаб турган вазирлик ва ташкилотлар бир ой муддатда улардан самарали фойдаланиш бўлишига ўз тақлиф ҳамда бизнес-режаларини ишлаб чиқиши зарур. Акс ҳолда бу иншоотлар хусусий секторга ўтказилади. Бугун даврнинг ўзи ҳар бир қарич ердан мақсадли ва унумли фойдаланиш-

ни тақозо этмоқда. Инвесторлар-ни жалб этган ҳолда бу майдонларда юзлаб одамлар бандлигини таъминлаш имконини берадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини бунёд этиш мумкин. Янги корхоналарда фаолият юрита оладиган замонавий мутахассисларни тайёрлаш ҳам зиммаимиздаги вазифалардан-дир. Бунинг учун кадрлар захирасини яратиш, истиқболда талаб юқори бўладиган мутахассисликлар реестрини шакллантириш талаб этилади. Бу орқали биз касб-хунар ўрганмоқчи бўлган ёшлар-ни зарур йўналишларда ўқитиш-имиз мумкин.

Ушбу вазифалар Президентимизнинг жорий йил 15 августда-ги "Тошкент шаҳрида инвести-ция муҳитини яхшилаш бўйича экспериментни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган бўлиб, йиғилишда ундан келиб чиқадиган тадбирлар дастурига ҳам эътибор қаратилди. Ўз навба-тида, Олий Мажлис Сенати халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туманлар Кенгашларига ижро этувчи ҳокимият органларининг бу борадаги фаолияти устидан самарали депутатлик назоратини ташкил этиш ва амалга оши-ришга кўмаклашди.

Бектемир туманида бўлиб ўтган қўшма мажлисда эса ту-мани ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш масалалари тўртта сектор кесимида таниқли кўриб чиқилди. Бир неча маҳаллада марказлаштирилган ичимлик суви ва канализация тармоқла-рининг мавжуд эмаслиги қайд этилди. Муаммони ҳал қилиш учун катта маблағ талаб этила-ди, туман бюджети имкониятла-ри учун бу оғирлик қилади. Шун-инг учун ҳам сув тармоқларини босқичма-босқич ўтказишга ке-лишиб олинди. 2018 йилда ту-маннинг Бектемир маҳалласида-

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Ватан равнақига ҳисса қўшиш — бурчимиз

Ватанимиз мустақиллигининг 27 йиллиги — қутлуг айём шукҳуи кезиб юрган айни дамда унинг ҳаётимиздаги ўрни нақадар муҳимлигига амин бўлиб бормоқдамиз. Одамлар кайфиятидаги кўтаринкилик амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётбахшлигини кўрсатаяпти. Энг муҳими, буни энг чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган аҳоли ҳам яққол сезаяпти.

ДЕПУТАТ ФИКРИ

Бу йилги Истиқлол шодиёна-ларини "Азиз ва ягонаман, жонаҳон Ўзбекистоним!" шиори остида қиз-гин кутиб олганимиз ҳар биримиз-га чексиз фахр ва ғурур бағишла-ди. Бинобарин, унинг замирида Мустақилликнинг нақадар улуг неъмат эканини ҳис қилиш, шу улуг ва муқаддас Ватанда ўтаётган ти-нчи ҳаётимиз, фаровон турмуши-мизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлашдек улуг ғоя ва қарсад муҳажасандир.

Халқимиз қўлга қиритаётган юксак натижаларнинг асосий омил-и сифатида, аввало, юртимиздаги ти-нчилик ва хотиржамлик, халқимиз-нинг фидокорона меҳнати, одамла-римизнинг дунёқараши, сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти, ижтимоий фаоллиги ортиб, фуқаролик пози-цияси тобора кучайиб бораётгани-ни айтиш мумкин. Қолаверса, пар-ламент ҳамда фуқаролик жамияти-нинг муҳим институтлари бўлган сиёсий партиялар, жамоат ташки-лотлари фаолиятини янги босқичга кўтаришга қаратилётган алоҳида эътибор тўғрисида халқимизнинг ўзлари сайлаган вакилларга бўлган ишончи кучаймоқда. Сиёсий партия-

ларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли янада мустаҳкамланаёт-ган. Бунга халқ вакили сифатида ҳудуд-ларда бўлганимизда, аҳоли билан бевосита мулоқотлар ўтказганимиз-да кўп бор амин бўляпмиз. Одам-ларни қийнаётган масалалар пар-ламент эъзолари иштирокида кўриб чиқилаётгани ҳамда ижобий ечим топаётгани эътиборга молик.

Айни чоғда зиммаимиздаги масъулиятни теран ҳис қилган ҳолда, жойлардаги мавжуд муаммо-ларни чуқур ўрганишимиз, ҳал этишда фаоллик кўрсатишимиз зар-ур. Шу билан бирга, олиб борилаёт-ган ишларимиз самарасини кучай-тириш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси-ни таъминлашда парламент назо-ратининг таъсирчан механизмири-дан самарали фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш-нинг бешта устувор йўналиши бўй-ича Ҳаракатлар стратегиясида бел-гиланган вазифаларнинг тизимли рўёбга чиқарилиши соҳалар риво-жиди, одамлар турмуш фаровонли-гини яхшилашда долзарб аҳамият

Жаҳон нигоҳидаги нуфузли анжуман



Айни пайтда Оқсарой атрофи-даги майдонлар ҳудудлар кесими-да тақсимланиб, миллий анъана ва кадрятларимизни акс эттирувчи сце-нарий ҳамда дастурлар устида иш олиб боришмоқда. Саҳна декорациялари ва май-

донни ободонлаштириш ишлари авжида. Қўшимча чироқлар ҳамда декорациялар учун махсус ёритқичлар ўрнатиляпти. Тайёргарлик жараёнида амфитеатрнинг жойлашган ўрни ва саҳнага кўтарилган ижрочилар ҳамда раққосаларнинг чиқиш-

ларига алоҳида эътибор қаратилган. — Юнус Ражабий, Фанижон Тошматов каби бир қанча устозларимиз орзу қилган кунлар-ни кўриш бизга насиб этди, — дейди Ўзбе-кистон Республикаси халқ артисти Матлуба Дадабоева. — Ушбу анжуман мақомини дур-донадек авайлаб, унинг шон-шўхратини олам узра таранум этиш, мазкур йўналишда ижод қилган кишиларнинг меҳнатини қадрлаш ва тарғиб қилишга қаратилгани билан ҳам му-ҳим аҳамиятга эга.

Тадбир давомида хорижлик меҳмонлар-ни Қашқадарё вилоятининг ўзига хос урф-одатлари, удумлари билан ақидан таниш-тириш, тарихий обидалар, қадимжолар ҳамда зиёратгоҳларга ҳам таширфлари ре-жалаштирилган.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ СҮЙИМА ҒАНИЕВА

Ўзбекистон илм-фани оғир жудолукка учради. Атоқли адабиётшунос олим, профессор, Ўзбекистон Қаҳрамони Суйима Ғаниева 86 ёшида вафот этди.



С. Ғаниева 1932 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. 1952 йилда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)нинг шарқшунослик факультетини тамомлади.

1953 — 1956 йилларда Ленинград давлат университети аспирантурасида таълим олди.

Бўлғуси олима ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходими сифатида бошлади. Шу йили буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби, Тошкент давлат консерваториясида кафедра мудири, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори лавозимларида фаолият кўрсатди.

У ўзининг қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борди. Мустақиллик йилларида адабиётимиз ва маданиятимизни ривожлантириш, миллий адабиётимизнинг жаҳон маданияти цивилизациясида тутган ўрнини халқаро миқёсда кенг тарғиб этишга катта ҳисса қўшди.

С. Ғаниева ўз илмий фаолияти давомида яратган 14 та монография, 350 дан зиёд илмий-назарий мақолалар мамлакатимиз ва халқаро илмий нашрларда чоп қилинган, 20 дан ортқ ўқув-методик қўлланмалари республика олий таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Олима Алишер Навоий ижодини чуқур ўрганиб, ўзининг теран илмий тадқиқотлари билан навоийшунослик соҳасида ўзига хос илмий мактаб яратди. Унинг "Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди", "Алишер Навоий ижодида миллий мафкура", "Навоий газалларида жўмардлик мотивлари", "Навоий васияти", "Навоий дастхати" каби сермазмун асарлари юртимиз ва чет эл адабиётшунослари томонидан илмий кашфиётлар сифатида эътироф этилган.

С. Ғаниева Алишер Навоийнинг узоқ йиллар давомида илм-фанга номаълум бўлиб келган "Муножот" асарини топиб, нашр эттирган.

Олима 2011 йилда Алишер Навоийнинг 20 йиллик мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда фаол иштирок этган.

Ёрқин истеъдод, катта илмий салоҳият эгаси бўлган заҳматқаш олима ўз фаолияти давомида кўплаб ёшларга устозлик қилди. Унинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

С. Ғаниеванинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш ва баркамол авлод тарбияси йўлидаги улкан хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди.

У Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти, "Эл-юрт хурмати", "Буюк хизматлари учун" ордени ва Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвони билан мукофотланган эди.


Атоқли олима, меҳрибон устоз, самимий ва камтарин инсон Суйима Ғаниеванинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамيشа сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, Н. КАРИМОВ

Мутолаа

Китоб кутубхона учунми ёки китобхон учун?

Китоб жамғармаси бир ярим баравар кўпайган Навоий вилояти Ахборот-ресурс марказида фойдаланувчилар сони ҳам уч баравар ошди.



— Техник воситалар билан тўлиқ таъминланишимиз 36390 та китобнинг электрон каталогини яратиш имконини берди, — дейди марказ раҳбари Раъно Ризаева. — Бу китобларни туман ва шаҳар ахборот-ресурс марказларига тарқатиш, уйдан чиқа олиш имкони бўлмаган китобсеварларга етказиб бериш йўлга қўйилди.

ҳам мавжуд. — Кўзи ожиз китобхоналарга бу имконият жуда маъқул келди, — дейди вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори Бахтиёр Абдуллаев. — Буни инobatга олиб, Хатирчи ва Нуротада ҳам ана шундай кутубхоналар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилди.

Китоб ва унинг ҳаётдаги ўрнига бағишлаб "Буюк сиймоларга эҳтиром" ҳафталиги ҳам ташкил қилинган.

Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИНСОНЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШЛАРИНИ ЎЙЛАБ ЯШАШ ОДАМИЙЛИКНИНГ ЭНГ ОЛИЙ МЕЗОНИДИР



Меҳрнинг баҳоси бўлмайди

Ўша куни оила даврасида "Ахборот 24" информацион дастурини кўриб ўтирган эдик. Сергели туманида бунёд этилган кўп қаватли уйлар, улардаги шарт-шароитдан кўзимиз қувнаб, ҳавас калитди. Бир аёл ушбу уйлардан бирининг калити кўлига текканини айтар экан, шундай деди:

— Ногирон бўлганим боис ўқисиб, нахотки, бу дунёдан армон билан ўтиб кетсам, деган ҳаёл мени бир зум тинч қўймади. Турмуш ўртоғим ҳам, икки нафар фарзандимиз ҳам жисмоний имконияти чеклангани етмаганидек, уйсиз, жойсиз эдик. Олам кўзимизга тор бўлиб, ҳамма нарсадан умидимизни узган пайтимиз. Шундай кунларнинг биринида ижарада турадиган уйимизнинг эшиги тақиллади. Хонадон эгаси ижара ҳақини сўраб келгандир-да, деб ўйлаб юракни ҳовучлаганча эшикни очсак, маҳалла раиси уч-тўрт киши билан турибди. Улар ахволимиздан хабардор эди. "Ариза ёзинг, арзон уйлардан бирини оласиз на-

тыбрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, мамлакат бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, биргина жорий йилнинг ўтган даврида Бухоро вилоятида ижтимоий ҳимояга муҳтож 270 оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди. Эҳтиёжманд фуқароларга жами 910 та маиший техника жиҳози топширилди. 78 беморга дори-дармон харид қилишларига моддий ёрдам кўрсатилди. 67 нафар фуқарога даволашлари ёки жарроҳлик амалиётлари учун харажатлари тўлаб берилди. Бу каби савобли ишлар давом этмоқда...

Феруза Яхёевага келсак, энди унинг эртанги кундан кўнгли тўқ. Ўзига ҳам ишончи ортган.

— Бир пайтлар турмуш ташвишлари олдида қийналиб, ўзимни ёлғизлиб қолгандек ҳис этардим, — дейди у. — Минг бир истихоло билан бировникка қарз сўрагани борардим. Шукрки, у кунлар ортда қолди. Фарзандларим вояга етиб, қанотимга қиришяпти. Уларни хунарли, ўқимшли қилиб тарбиялашга интиляпман. Насиб этса, орзу-ҳавасларимга етаман.

"Уй қадрини уйсиздан сўранг..."

Ойбек Маткаримов Урганч шаҳридаги Маърифатчилар маҳалласида истиқомат қилади. Турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандини тарбиялаб вояга етказмоқда. Биринчи гуруҳ ногирони. Ота ҳрвлисида уч оила вакиллари истиқомат қиларди. Президентимиз номидан ушбу оилга шаҳарнинг энг баҳола масканидан 3 хонали квартира ажратилганидан хонадон соҳибининг, жажжи фарзандларнинг кўнгли тоғдек кўтарилиди.

— Севинчимни сўз билан ифодалаб беролмайман, — дейди Ойбекнинг турмуш ўртоғи Моҳира Нурметова. — Бундай замонавий уй-жойга эга бўлиш биз учун армон эди. Кўп йиллар мобайнида эски ҳовлининг битта тор хонасида сиқилиб яшадик. Фарзандларимиз бўйи етган сари бу ноқулайликдан ҳаммамиз истихоло қилардик, аммо иложисиз эдик. Янги хонадонда эса барча шароит муҳайё. Мебель ва ётоқхона жамламаси, телевизор, кир ювиш машинаси, қўйинги, бир оила учун нима зарур бўлса, ҳаммаси тахт. Давлатимизнинг бу гамхўрлигидан умрбод миннатдоримиз.

Хивалик Фотима Бобожонованинг ҳам бугун қувончи чексиз. Боқувчисини йўқотган, 2-гуруҳ ногирони бўлган бу аёл шу пайтгача ижарада яшаб келаётган эди. Унга янгиланган намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган 3 хонали уй қалити топширилди.

— "Ўз уйинг — ўлан тўшагинг" деган гап қанчалар ҳақиқат эканини биз каби ижарама-ижара юрганлар яхши билади, — дейди Ф. Бобожонова. — Ўз уйимиз бўлишини йиллар мобайнида орзу қилгандик. Лекин қанча ҳаракат қилмайлик, рўзгордан, бола-чақадан орттириб, уй олишга қурбимиз етмади. Ич-ичимиздан не армонлар ўтганини билсангиз эди. Президентимизнинг гамхўрлиги бўлмаса, бундай замонавий уй-жойлар қаёқда эди, дейсиз. Қувонарлиси, янги уйнинг бошланғич бадали давлат томонидан ажратилди. Тумандаги пахта тозалаш корхонасига касаначи сифатида ишга қабул қилишиб, бепул тикув машинаси ҳада этишди. Ҳозир иш ҳақим ҳисобидан уйнинг кредитини бемалол тўлаяпман. Илоҳим, юртимиз тинч, халқимиз манфаати йўлидаги ислохотлар бардавом бўлаверсин.

— Шаҳримизда 10 нафар оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарга арзон уй-жойлар тақдим этилди, — дейди Урганч шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Мунаввара Омонбоева. — Ушбу уйлар учун бошланғич бадал хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағи, қолган қисми тижорат банкларининг илтиёзли кредитлари ҳисобидан амалга оширилди. Талабгорнинг кредит қоплаш имконияти бўлмаса, олинган кредит маблағлари у ишлаётган ташкилот касба уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Бундай эътибор ҳамюртларимизни янги марралар сари руҳлантириб, куч-қувват бағишлайди, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

Тарихий ҳужжат

Улар бошқаларга ўхшамайди. Уларнинг ўз руҳий олами бор. Кимдир бундайлардан ўзини олиб қочса, бошқа биров камситишга ҳаракат қилади. Аммо мамлакатимизда ижтимоий муҳофаза масаласига алоҳида эътибор берилаяётган тўғрисида улар, яъни руҳий касалликдан азият чекаётганлар ҳам Президентимизнинг эъзозиди. Давлатимиз

раҳбари томонидан 2018 йил 16 мартда имзоланган "Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор сўзимиз исботидир. Мазкур ҳужжат ўз мазмун-моҳияти билан ажралиб туради. Чунки унда шу пайтга қадар эътибор берилмаган жиҳатлар, вазифалар қайд этилган. Қисқача айтганда, ушбу қарор халқимизнинг мурувватлилик, йиқилганини турғазига, қоқилганини суяш каби фазилатларини ўзида мужассамлаган. Бу эса инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилаётганининг яна бир далилидир.

Ногиронлиги бор эркаклар учун мўлжалланган Қўқон шаҳар Мурувват уйида 300 нафар боқувчисини йўқотган, яқка-ёлғиз, руҳиятда тез-тез ўзгаришлар кузатиладиган фуқаро истиқомат қилади. Бу маскандан барча шароит яратилган.

— Эслолмайман, кўп йиллар бўлди, шу ерда яшайман, — дейди Одилов Қоробоев. — Қаровчиларимга, шифокорларга раҳмат. Улар жуда меҳрибон. Буларнинг савобли ишларидан миннатдориман.

Тақдир ҳукмига жимгина қўниб, қўниқиб яшаётган бу жабрдийда инсонларнинг кемтик қалбларини нима билан тўлдириб мумкин?! Улар нолишни билмайди, дийдиё қилмайди. Бировнинг устидан ёзмайди, ҳасад нима, кибр нима билмайди. Аммо меҳрини илгашади, юракдан ҳис этишади. Номии юқорида келтирилган қарор эса ана шундай юрдошларимизни эъзозлашга, уларга муносиб хизмат кўрсатишга қаратилгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

Ўқсик кўнгилга далда

Тахририятимизга Чортоқ туманида яшовчи II гуруҳ ногирони, "Жасорат" медали соҳибаси Зебо Азиевага имзоси билан обожорилган мактуб диққатимизни тортиди. Унинг ёзганларини ўқиб, гамхўрликнинг, оқибатини нақадар қудратли куч эканлигини англаб етмадик.

"Кўнгил меҳрдан тафт олар экан, — деб ёзади у. — Юракдан айтилган бир оғиз илиқ сўз, озгина эътибор баъзида инсоннинг кайфиятини тоғдек кўтариб юборади. Тўғма ногиронлигим туфайли ҳаётининг аччиқ-чучуқларини бошдан ўтказиб яшаб келяпман. Айниқса, чап оёғим сон қисмидан кесиб ташланган паллада дунё кўзимга шундай қоронғи қўриниб кетдики... Йўқ, ҳаёт давом этаве-



дир экан. Ота-онам, атрофдаги яхши инсонлар кўмағи билан ўзимни қўлга олдим. Хунарга қизиқшимни оғир пайтларда жудажуда қўл келди. Билсангиз, олти ёшимда пойтахтдаги Юнусовид шифохонасида даволанаётган чоғимда кўнгилоқлар учун кўрпачалар тикканман. Ун икки ёшга кирганида тиккан буюмларим билан бизнес қила бошладим. Миллий эртақлар қаҳрамонларини тикиб, уйимиз ёнидаги болалар боғчасига сотардим.

Шундай қилиб, чеварлик умрим мазмунига айланди. Маҳалламиздаги 30 дан зиёд қиз-жувонларни тўллаб тикувчилик цехини очдик. Тиккан плаш, пальто, қўйлак ва бошқа либосларимизнинг бозори чаққон бўлди. Даромаднинг ортиши янги лойиҳалар сари йўл очди. Яқинда хонадонимизда хусусий болалар боғчаси фаолиятини йўлга қўйдик. Айни пайтда 8 нафар болажонни тарбияляпмиз. Бу ерда тўрт киши иш билан таъминланган. Жажжиларга инглиз, рус тилларини ўргатяпмиз.

Айтмоқчиманки, ҳаётга интилиб яшаган инсон жисмоний камчиликларини ҳам унутиб юборар экан. Ўзимдан қиёс, ҳаммиса олға ҳаракат қилиб кам бўлганим йўқ. Одамлар орасига кириб бориб, обрў-эътибор топдим. Аввалига уялиб, тортиниб юрган бўлсам, бизнесни йўлга қўйиб олган, кичиккина бўлса-да, замонавий цехнинг раҳбарига айландим. Ҳавас қиларли оилам, икки нафар ширин фарзандим бор. Бунда, албатта, мамлакатимиз миқёсида ногиронлиги бор инсонларга қўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликнинг ҳам ўрни беқийёс. Айниқса, меҳнатга лаёқати чекланган хотин-қизларнинг уй-жой шароитини яхшилаш, қобилиятига яраша иш билан таъминлаш орқали уларни жамиятнинг фаол аъзосига

айлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли тадбирлар ўқсик кўнгилоқларга чинакам далда бўлаётганини бутун халқимиз кўриб турибди".

Бу мактуб тўрт мучаси бус-бутун бўлса-да, эртаю кеч нолиши, ғийбатчилиги, беқорчилиги боис "ишсиз" қолганларга бир кўзгу бўлса, не ажаб?!

"Бахтиёр инсонлардан бириман"

Сардоба туманилик Маъмура Исломова-нинг тақдирини ҳам юқорида мактуби келтирилган юрдошимизнига ўхшаб кетади. Маъмура ўн олти йил мобайнида туғилган кунларини ота-онаси ва яқинларисиз ўтказди.

Гап шундаки, у тўрт ёшида полиомиелит хасталигига чалинди. Шу боис йигирма ёшигача оиласидан йироқда — Тошкентда бўлди. Яъни у пойтахтда ҳам довланди, ҳам ўқиди. Маъмура бу ердаги коллежда тикувчилик касбинини эгаллади. Нијати Тошкент тўқимачилик ва енгил санoат институтида ўқиб, келгусида соҳанинг етук мутахассиси бўлиш эди. Аммо отаси, журналист Сорабек Холмуродов оламдан ўтган, Сардоба тумани маркази — Пахтаободга қайтишига тўри келди. Чунки акалари ҳарбий соҳа кишилари бўлгани сабабли онаси ёлғиз қолганди.

Гарчи жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, тез орада Маъмура туғилган жойида керакли одам эканлигини ҳис этди. Чека худуд саналмиш Сардоба туманидаги Пахтаобод қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежиди тикувчилик бўйича ишлаб чиқариш таълимни устаси йўқ эди. Маълумоти ўрта махсус бўлса-да, Маъмуранинг бу борадаги салоҳиятини билган коллеж маъмурияти уни ана шу йўналиш бўйича ишга олди. Ёш қиз бу ишончи ортиги билан оқлади. Ҳатто Тошкент тўқимачилик ва енгил санoат институтидаги малака ошириш жараёнида касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун тикувчилик амалиётлари бўйича услубий қўлنامа ҳам яратди.

Лекин барибир Маъмура ҳали ўзининг тикувчилик соҳасидаги малакасини етарли эмас, деб ҳисобларди. Шу боис у яна Тошкентга келди ва замонавий жиҳозлар ҳамда тажрибали чеварларга эга тикув корхонасида бир йил ҳам меҳнат қилди, ҳам иш ўрганди. Боз устига, ишлаб топган пулларини йиғиб, 6 та тикув дастгоҳи сотиб олди. Сўнгра Пахтаободга қайтиб, тикувчилик цехи очди.

—Бугун ўзимни энг бахтли инсонлардан бири деб биламан, — дейди Маъмура Исломова. — Давлатимизнинг, халқимизнинг меҳр-муҳаббати туфайли ўзимни соғлом ҳис қиляпман. Ҳозиргача нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасининг бош омили ана шу юксак эътибор,

десам, ҳеч ҳам муболаға эмас. Қаранг, сўнги икки йилда мен каби қанча-қанча ногиронлиги бўлган шахслар ҳаётда ўз ўрнини топди ва топмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз айтган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойил туфайлидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 1 декабрдаги "Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томо-



надан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳам ногиронлиги бор фуқароларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган. Бунинг замирида шу азиз ва муқаддас юрт фарзандларига меҳр-муҳаббат ва инсонийлик қадриятлари мужассамдир. Яна бир муҳим гап шуки, Маъмура ўзи туғилиб ўсган шаҳарчадан оилавий бахт ҳам топди. Жорий йил бошида шу ерлик қурилиш устаси Жавлон билан турмуш қуриб, хурмат-эътиборли оила келини бўлди. Бинобарин, унга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Мақсул ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕК ФАРЗАНДЛАРИ ОСИЁ СПОРТИ ТАРИХИНИ ҚАЙТА ЁЗИШМОҚДА

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортчиларимиз жами 70 та медални қўлга киритди.



лади. Светлана Радзивил баландликка сакраш бўйича уч карра Осиё ўйинлари голибига айланиш билан бир қаторда, 2010 йилда ўзи ўрнатган рекордини янгилаб, 1,96 метрлик баландликни забт этди. Шунингдек, Руслан Нурудинов оғир атлетика бўйича жами 421 кг. натижа кўрсатган ҳолда, Осиё ўйинларининг янги рекордчисига айланди. Вадим Меньков эса байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича тўрт карра Осиё ўйинлари голибига деган номга эришди. Индонезиядаги яна бир тарихий воқеа, бу миллий спортимиз — ўзбек кураши бўйича илк марта бахслар ўтказилгани бўлди. 50 га яқин мамлакатлар спортчилари қатнашган кураш мусобақаларида “халол”, “ёнбош”, “чала”, “танбех” ва “даки” каби атамаларимиз мунтазам жаранглаб турди.

Бокс мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси яна бир бор дунёнинг энг чуқил бокс мактабига эга эканлигини исботлади. Жами етти вазнда спортчиларимизнинг барчаси финалга чиқди. Яқунда 5 та олтин, 2 та кумуш медални

қўлга киритган боксчиларимиз умумжамоа ҳисобидан бу спорт турида биринчи ўринни эгаллади. Хабарингиз бор, ушбу мусобақага делегациямиз байроқдори этиб истеъдодли боксчи Исроил Мадримов танланган эди. У Индонезияга кетишидан аввал ўзига билдирилган ишонччи оқлаб, Ватанимизга чемпион сифатида қайтишни ваъда берганди. Шундай ҳам бўлди. Боксчимиз мусобақа давомида жуда ишончли ҳаракат қилди ва финалгача етиб борди. Олтин медал учун курашда Қозоғистон спорт делегациясининг байроқдори бўлган Абилхан Аманқулга қарши жанг қилди ва уни мағлуб этиб, Осиё ўйинлари голибига айланди.

Этиборлиси, ушбу олтин медал орқали Исроил Ўзбекистон байроқдорларига оид нохуш аънанани йўққа чиқарди. Шу пайтгача Осиё ўйинларида байроқдор сифатида қатнашган спортчиларимиз яқунда олтин медалга эга чиқа олмагандилар. Демак, Исроил бу борда биринчи бўлди.



Спорт турлари	олтин	кумуш	бронза
Кураш	6	2	4
Бокс	5	2	2
Эркин ва юнон-рум кураши	2	1	3
Байдарка ва каноэда эшак эшиш	1	3	4
Таэквондо	1	3	2
Оғир атлетика	1	2	2
Енгил атлетика	1	2	1
Академик эшак эшиш	1	2	1
Самбо	1	1	2
Дзюдо	1	1	3
Теннис	1		
Бадий гимнастика		2	
Каратэ		1	2
Велоспорт		1	
Спорт гимнастикаси		1	
Ушу		1	
Пенчак силат		1	
Жами 70 та медалъ			

Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ҳамда муайян инфратузилмани яратиш, мамлакатнинг халқро спорт майдонларида муносиб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 3 июндаги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори соҳага бутунлай янги руҳ олиб кирди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида спортчиларимизнинг таъриба ҳамда маҳоратини ошириши, халқро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шароитлар яратилган.

Осиё ўйинларида қўлга киритган натижамиз ўзбекистонлик спортчиларни

яна икки йилдан сўнг Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига тайёрлаш ишлари тўғри йўлга қўйилганидан далолатдир. Мусобақа давомида Ўзбекистон спорт делегацияси ўзининг энг ёрқин иштирокини намойиш этган ҳолда, медаллар сони бўйича ҳам, унинг сифати бўйича ҳам ўз тарихида энг яхши кўрсаткичга эришди. Голиб спортчиларимиз шарафига 21 мартаба Давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилди.

Бундан ташқари, атлетларимиз 24 та кумуш ва 25 та бронза медални қўлга киритиб, умумий ҳисобда 70 та медалга эга чиқди. Жами 30 спорт туридан 234 нафар спортчи билан мусобақада қатнашган Ўзбекистон терма жамоаси медаллар сифати бўйича Осиёнинг 45 мамлакати ичидан умумжамоа ҳисобидан бешинчи ўринни эгаллади.

Турнир давомида икки нафар спортчиларимиз Осиё ўйинлари рекордини янги-



Муваффақиятлар яна давом этади

Маъруф ҒАЙБУЛЛОВ, кураш бўйича Осиё ўйинлари чемпиони:

— Осиё ўйинларида ўзбек кураши бўйича илк олтин медални қўлга киритган спортчи бўлганимдан бахтиёрман. Бир вақтлар кураш бўйича биринчи жаҳон чемпиони Ақобир Курбонов, Камол Муродовга ҳавас қилардим. Мана, эзгу ниятларимга ҳам шундай улғу кунларда эришиб турибман. Бундан кейин ҳам билдирилган ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

Вадим МЕНЬКОВ, каноэда эшак эшиш бўйича тўрт карра Осиё ўйинлари чемпиони:

— Кетма-кет тўртинчи бор Осиё ўйинлари чемпиони бўлганимдан жуда мамнунман. Бу бутун ўзбек халқининг муваффақиятидир. Чунки давлатимизнинг қўллаб-қувватлаши, халқимизнинг эъзозу эътибори туфайли биз, спортчилар мана шундай юқори натижаларга эришмоқдамиз. Бугун бизни қутиб олишга чиққан барча-барчани, юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги байрами билан самимий табриклайман.

Светлана РАДЗИВИЛ, баландликка сакраш бўйича уч карра Осиё ўйинлари голиби:

— Яқинда она бўлдим ва тезда спортга қайтиб, тикланиб яна шохсупанинг энг юқори поғонасидан жой эгалладим. Бу, ҳақиқатан ҳам, улкан бахт. Мазкур медал мени ҳар дамда қўллаб-қувватлаган халқимизники, деб биламан. Мустақиллик байрами барчамизга муборак бўлсин!

Зубайда ҲОЖИЕВА, Осиё ўйинлари чемпиони Исроил Мадримовнинг онаси:

— Ўғлим Осиё ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, билдирилган ишонччи оқлаганидан фахрланаман. Тўрт йил аввалги мусобақада Исроил кумуш медални қўлга киритганди. Мана энди, у чемпион! Бу уни вояга етказган, тарбиялаган мустақил Ўзбекистонимизнинг галабасидир.



Қаҳрамонлар муносиб кутиб олинди

Осиё ўйинларида тарихий натижа қайд этган Ўзбекистон спорт делегацияси 2 сентябрь кунин юртимизга қайтиб келди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент халқро аэропортида спортчиларимизни вазирилик ва идоралар, спорт жамоатчилиги вакиллари, ота-оналар, мухлислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамона кайфиятда кутиб олди.

Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда ўзбек фарзандларининг Осиё ўйинларидаги муваффақияти энг улғу, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 27 йиллигига муносиб совға эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Тадбирда, шунингдек, уч карра Осиё ўйинлари чемпиони Светлана Радзивил, делегация байроқдори, Осиё ўйинлари чемпиони Исроил Мадримов сўзга чиқиб, бундай зафарлар 2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида ҳам давом этишини билдирди.

Спортчиларнинг ота-оналари юртимизда спортга кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилаётган шароитлар боис фарзандларининг мана шундай натижаларга эришаётганини таъкидлаб, бундай имкониятларни тақдим этаётган Президентимизга миннатдорлик изҳор қилишди.



234 нафар спортчи Индонезияда ўтказилган XVIII ёзги Осиё ўйинларида спортнинг 30 тури бўйича Ўзбекистон номидан иштирок этди.

Йил	Жакарта ва Палембанг	Инcheon	Гуанчжоу	Доҳа	Пусан	Бангкок	Хиросима
2018 йил	70 та медалъ 21 олтин 24 кумуш 25 бронза	45 та медалъ 9 олтин 14 кумуш 22 бронза	56 та медалъ 11 олтин 22 кумуш 23 бронза	39 та медалъ 11 олтин 14 кумуш 14 бронза	51 та медалъ 15 олтин 12 кумуш 24 бронза	44 та медалъ 6 олтин 23 кумуш 15 бронза	42 та медалъ 11 олтин 12 кумуш 19 бронза

Саҳифа материалларини Азамат МУРОДОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.
Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 901 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди.

Газетанинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштириш ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА яқуни — 21.55 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.